

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

34-сон
(846)
2018 йил
27 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

691. «Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги ПҚ–3910-сон қарори
692. «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ–3917-сон қарори
693. «Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги ПҚ–3919-сон қарори [Кўчирма]

Учинчи бўлим

694. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 августдаги 676-сон қарори
695. ««Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 августдаги 677-сон қарори
696. «Давлат-хусусий шерикчилик асосида замонавий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 августдаги 681-сон қарори
697. «Донни қайта ишловчи корхоналарни қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 августдаги 684-сон қарори

Бешинчи бўлим

699. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 июлдаги 24/5-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3056*)
700. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 11 июлдаги 219-сон «Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3057*)
701. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 27 июлдаги 9-мх, 19-қ/қ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3058*)

702. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 20 августдаги 106, 2018-49-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-6*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 18 августдан 24 августгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

691 Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Республикада пиллачилик тармоғини ривожлантириш, интенсив тутзорлар барпо этиш, пиллачилик тармоғи корхоналарини модернизация қилиш ҳисобига ипак маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Бугунги кунда мавжуд тутзорларни босқичма-босқич таъмирлаш, ипак қурти боқишга мўлжалланган иншоотларни қуриш, фермер хўжаликларининг дала четларига тут кўчатлари экишни кўпайтириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни янада жадал давом эттириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Пиллачилик тармоғи корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, соҳада инновацион технологияларни жорий этиш, томорқа ер эгалари (аҳоли хонадонлари)ни пилла боқиш ишларига касаначилик асосида жалб этиш ва уларни рағбатлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисини, айниқса хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2856-сон қарорининг бажарилиши бўйича қуйидагилар амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

биринчидан, мавжуд 43,4 минг гектар тутзорлар ва 44 млн. туп якка тут қаторлари уюшма тизимидаги корхоналарга бириктириб берилганлиги ва янғидан 2 270 гектар тут плантацияси, шундан 400 гектар майдонда интенсив тутзорлар барпо этилганлиги;

иккинчидан, 2018 йилда 18 минг тонна пилла етиштирилиши (2017 йилга нисбатан 144,0 фоиз) ва 60 млн. АҚШ доллардан ортиқ ипак маҳсулотларини экспортга чиқарилиши;

учинчидан, пиллачилик тармоғи корхоналарини модернизация қилиш ҳисобига 2018 йилда 50 млн. АҚШ долларида ортиқ инвестиция киритилиши;

тўртинчидан, пиллачилик соҳасида 14 минг 452 та доимий ва 410 минг 793 та мавсумий иш ўринлари ташкил этилганлиги;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 августда эълон қилинган.

бешинчидан, пиллачилик соҳасида Хитой, Эрон, Вьетнам, Ҳиндистон, Корея, Бирлашган Араб Амирлиги, Туркия, Австрия, Венгрия, Италия, Германия, Бельгия, Болгария, АҚШ, Сингапур, Покистон ва Қирғизистон давлатлари билан халқаро ҳамкорлик ўрнатилганлиги.

2. Қўйидагилар:

«Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг пиллачилик тармоғида 1-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифи;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида фермер хўжаликлари ер участкаларининг дала четларида тут қўчатлари экишни жадал ривожлантириш тўғрисидаги таклифи;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг республика ҳудудларида қишлоқ аҳолисини, айниқса хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини ошириш мақсадида пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томорқа ер эгалари (аҳоли хонадонлари)га 50 бошдан 90 кунлик парранда ва тут қўчатларини шартнома асосида бепул етказиб бериш тўғрисидаги таклифлари;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг уюшма ҳузурида «Ипакчилик соҳасида хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш ўқув-ишлаб чиқариш маркази»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи;

Наманган вилояти ҳокимлигининг пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан 2019-2020 йилларда жами 3000 гектар, шу жумладан, Чортоқ туманида 1000 гектар, Тўрақўрғон туманида 500 гектар, Чуст туманида 500 гектар, Наманган туманида 400 гектар, Косонсой туманида 300 гектар ва Янгиқўрғон туманида 300 гектар майдонда янги тутзорлар барпо этиш учун ер участкаси ажратиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш режасига киритиш тўғрисидаги таклифи;

Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан 2019 йилда жами 1000 гектар, шу жумладан, Шўрчи туманида 150 гектар, Денов туманида 50 гектар, Узун туманида 400 гектар (жумладан Боботоғ массивида 250 гектар), Сариосиё туманида 50 гектар, Қумқўрғон туманида 200 гектар ва Олтинсой туманида 150 гектар майдонда янги тутзорлар барпо этиш учун ер участкаси ажратиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш режасига киритиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда пиллачилик тармоғида мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, шу жумладан тутзорларни кенгайтириш, томорқа ер эгалари (аҳоли хонадонлари)нинг қўшимча даромадларини ошириш ва иш ўринлари ташкил этишга қаратилган комплекс

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чора-тадбирлар дастурини (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Дастурда қўйидагилар назарда тутилсин:

пиллачилик тармоғи корхоналарига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, янги тутзорлар барпо этиш ва улар негизда ипак қурти боқишга мўлжалланган иншоотлар қуриш;

кўшимча даромад олишни кўпайтириш мақсадида томорқа ер эгалари (аҳоли хонадонлари) билан тут кўчати экиш, пилла етиштириш, парранда боқиш бўйича шартномалар тузишни ташкил этиш;

томорқа ер эгалари (аҳоли хонадонлари)га тут кўчатлари, асбоб-ускуналар ва 50 бошдан 90 кунлик паррандаларни шартнома асосида бепул етказиб бериш ҳамда шартномаларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш;

томорқа ер эгалари (аҳоли хонадонлари)га тут кўчатлари, асбоб-ускуналар ва паррандалар етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш ва уни қоплаш тизимини жорий этиш;

пиллачилик соҳасида доимий ва мавсумий иш билан банд бўлганлар сонини уч йилда бир миллион кишига етказиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳузуридаги Ипакчилик соҳасида ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш ўқув-ишлаб чиқариш маркази билан шартнома асосида уй шароитида пилла хом ашёсини қайта ишлаш, хом ипак ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлган шахсларни қонун ҳужжатларида тасдиқланган тўлиқ бир мавсум ишланган даврларини уларга пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг мавсумий тармоқлари рўйхатига киритиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

уй шароитида пилла хом ашёсини қайта ишлаш, хом ипак ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлган «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳузурида ташкил этилаётган Ипакчилик соҳасида ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш ўқув-ишлаб чиқариш маркази аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ–5242-сон Фармонининг 3, 12, 13 ва 16-бандларида белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади;

пилла етиштиришда фойдаланиладиган сунъий даста ва бошқа зарур жиҳозлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида полиэтилен хом ашёси 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб дастлабки уч йил давомида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги ташкилотларга полиэтилен ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг улгуржи сотиш нархларида сотилади;

республика ҳудудларида пиллачилик соҳасидаги янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш қатъий тартибда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тавсиясига кўра амалга оширилади.

6. Инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш тармоғига йўналтириш самарадорлигини ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш ишларини янада ривожлантириш мақсадида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раисининг Қайта ишлаш, инвестиция ва инновацияларни жорий этиш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилсин.

7. «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 47 нафар бўлган ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси буюртманомасига биноан, пиллачилик тармоғини ривожлантиришни тарғиб этувчи ташқи рекламаларни марказий кўчалар, аҳоли гавжум жойларга ҳамда йўл бўйларидаги махсус жойларда белгиланган тартибда беғараз жойлаштирсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий теле-радиокомпаниясига «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда пиллачилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3-иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси Б.Қ. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 август,
ПҚ-3910-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 20 августдаги
ПҚ-3910-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 10 февралдаги ПҚ-2125-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матнидан «Научно-исследовательский институт шелководства» блоки чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1-илованинг «Научно-исследовательский институт шелководства (1)**» блоки «Научно-исследовательский институт шелководства» блоки билан алмаштирилсин;

б) 4-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Одобрить организационную структуру Ассоциации «Ўзбекипаксаноат» и типовую структуру региональных обществ «Ипаксаноат» согласно приложениям №№ 1, 3.»

в) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**692 Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Таъкидлаш лозимки, мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини ислох қилиш доирасида иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бюджет жараёни очиқлигини оширишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва сифати, уларни хорижий инвесторларга ва бошқа манфаатдор субъектларга етказиш, шунингдек, парламент вакиллари ва фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб юритилади) шакллантириш ва ижро этиш жараёнидаги иштироки даражаси етарли эмас.

Бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг шундай тартиби ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизми жорий этилади;

2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ахборотлар батафсил баён этилган, илғор халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган қонун билан тасдиқланади;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этилишидан олдин мажбурий жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши шарт;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фу-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 24 августда эълон қилинган.

қаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот юзасидан ташқи аудит ва баҳолаш натижалари бўйича хулосалари мажбурий эълон қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар қуйидагиларни назарда тутадиган «Очиқ бюджет» ахборот порталининг (кейинги ўринларда — Портал) ишга туширилишини ва фаолият юритишини таъминласин:

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаларини жойлаштириш орқали бюджет харажатларининг манзиллилиги устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

жамоатчилик фикрини шакллантириш учун туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиш таклиф этилаётган тадбирлар тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш;

бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш имкониятини ўз ичига олган фуқаролар билан қайта алоқани ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқишда фуқароларнинг Портал орқали келиб тушган фикр ва таклифларини таҳлил қилиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар муддатда Халқаро валюта жамғармасининг 2014 йилги давлат молия статистикаси бўйича қўлланмасига мувофиқ ишлаб чиқилган янгиланган бюджет таснифини тасдиқласин;

бир ой муддатда бюджет ҳисоби тартибини Давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IPSAS) уйғунлаштириш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган тадбирлар режасини тасдиқласин;

бюджет шаффофлиги бўйича халқаро рейтингда етакчи ўринларни эгаллаб турган илгор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида Портални доимий қўллаб-қувватлашни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан биргаликда икки ой муддатда Жаҳон банки томонидан Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини бошқариш самарадорлигини Жаҳон банкининг давлат харажатлари ва

молиявий ҳисобдорлик мезонлари бўйича баҳолашдан ўтказиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет очиклиги индекси бўйича рейтингга эришиши, жумладан Порталнинг яратилиши юзасидан зарур тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, бюджет шаффофлигини баҳолаш учун халқаро молия институтларининг экспертлари ва техник кўмаги жалб этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ҳафта муддатда баҳолашни ўтказиш муддатини белгилаган ҳолда давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорликни Жаҳон банки мезонлари асосида баҳолашни таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ таркибини тасдиқласин;

2018 йил 1 октябрга қадар Порталга жойлаштириладиган маълумотлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларига киритилган лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларнинг рўйхатини ва уларни жойлаштириш муддатларини тасдиқласин;

2019 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига ушбу қарор талабларига мувофиқ қонун билан тасдиқланадиган 2020 йилга мўлжалланган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларининг шаклларини келишиш учун киритсин;

2019 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилдан бошлаб Халқаро бюджет ҳамжамиятининг Бюджет очиклиги индексида иштирок этишини таъминлаш учун «йўл харитаси»ни тасдиқласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

туман (шаҳар)лар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан маҳаллий бюджетлар параметрлари ва ижроси ҳақидаги ҳисоботларнинг кўриб чиқиши ва тасдиқланиши жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ҳар томонлама ёритилишини;

туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари қўшимча манбаларидан камида 10 фоизининг Портал орқали жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат Давлат молиявий статистикасини юритиш ва бюджет очиклигини таъминлаш бўлими ташкил этилсин ҳамда унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

давлат молиявий статистикасини такомиллаштириш ва бюджет шаффофлигини таъминлаш соҳасида ислохотларни амалга ошириш;

бюджет жараёни ва бюджет маълумотларининг шаффофлигини, хорижий инвесторлар ва бошқа манфаатдор субъектларнинг улардан фойдаланиш имкониятини, бюджет жараёнига фуқароларнинг жалб этилишини, шунингдек, «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашрининг эълон қилишини таъминлаш;

Портални ахборот, услубий, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бошқариш.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

уч ой муддатда Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти томонидан аҳоли ўртасида унинг бюджет саводхонлиги ва бюджетнинг очиқлиги даражасини ўрганишга қаратилган тегишли сўровлар ўтказилишини таъминласин;

сўровлар натижаларига кўра, Жаҳон банкининг услубиётига мувофиқ аҳолининг бюджет саводхонлигини ошириш ишларини амалга ошириш учун техник кўмак жалб этилишини, шунингдек, лойиҳа доирасида умумтаълим мактаблари учун оила бюджети ва давлат бюджети бўйича ўқув қўлланмалар яратилишини таъминласин;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 август,
ПҚ-3917-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**693 Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида*****[Кўчирма]**

Мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг қуйи бўғинларини аҳолига янада яқинлаштирган ҳолда мустаҳкамлаш, барча даражадаги тузилмаларнинг вазифалари ва функцияларини аниқ белгилаш, замонавий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда куч ва воситаларни оқилона тақсимлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари ролини ошириш, уларни ҳар бир ходим томонидан ўз хизмат бурчи — «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш имконини берди.

Шу билан бирга, ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини ташкил этишда қатор тизимли камчиликлар мавжуд бўлиб, улар, куч ва воситалар бошқарувининг етарли даражада мувофиқлашмаганлиги, шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар ва уларнинг касб маҳорати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашишнинг мақсадли назорат-таҳлилини таъминлаш ҳолатининг паст даражадалиги намоён бўлмоқда.

Ички ишлар органлари фаолиятига самарали бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлаш тизимини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қуйидагилар ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, вужудга келаётган реал тезкор ва криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган тарзда тақсимлаш ва бошқаришнинг самарали механизминини жорий этиш;

иккинчидан, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида таҳлилий ишларни аниқланаётган амалий муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва криминоген вазиятни прогностлашга йўналтириш мақсадида тубдан қайта кўриб чиқиш;

учинчидан, лавозимларни юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва касбий сифатларга эга номзодлар билан жамлашни назарда тутган ҳолда, ички

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 24 августда эълон қилинган.

ишлар органларига хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатдан янги, содда-лаштирилган тартибини ўрнатиш;

тўртинчидан, шахсий таркиб билан тарбиявий ишларни олиб боришнинг самарали тизимини жорий этиш, шу жумладан илмий-психологик услубларни мақсадли қўллаш орқали уларнинг хизмат ва оилавий-маиший муаммоларини ўрганиш;

бешинчидан, қонунийликни сўзсиз таъминлаш, хизмат интизомига қатъий риоя қилиш ва ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлашга қаратилган вазифаларни бажариш юзасидан таъсирчан идоравий назоратни ташкил қилиш;

олтинчидан, иш юритиш механизми ва ҳужжатлар айланиши тартибини такомиллаштириш, ички ишлар органлари тизимининг барча бўғинларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармаси, юридик таъминлаш бошқармаси, жисмоний, юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармаси негизида Ички ишлар вазирлигининг Ташкилий департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Департамент бош бошқармага тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг девонини ташкил этиб, қуйидагилар унинг асосий вазифалари ҳисобланади:

республикада криминоген вазиятни тизимли таҳлил ва прогноз қилиш, ундаги ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдириш, ички ишлар органлари фаолиятини жинойтчилик ҳолати ва унга қарши курашиш натижаларини ўрганиш асосида режалаштириш;

ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларни комплекс текшириш ва назорат қилиш, амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан иш натижадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги қарорларини ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ҳуқуқий сиёсат ва назоратни ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органлари тизимида махфийлик тартиботига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, самарали иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш.

3. Ички ишлар органларининг ҳудудий, ҳарбий ва соҳавий тузилмалари, шунингдек, идоравий олий таълим муассасаларидаги ўз хавфсизлик бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг бевосита бўйсунувига ўтказилсин, уларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштири-

ладиган бирликлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратининг штатлар жадвалига киритилиб, тегишлича ҳудудий, ҳарбий ва соҳавий ички ишлар органлари, шунингдек, идоравий олий таълим муассасаларига мақсадли бириктирилсин.

4. Туман (шаҳар, тармоқ, саф) ички ишлар органлари бошлиқларининг кадрлар бўйича ўринбосарлари лавозимлари тегишлича туман (шаҳар, тармоқ, саф) ички ишлар органлари бошлиқларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари лавозимига ўзгартирилсин ҳамда улар зиммасига:

шахсий таркибни хизматга содиқ бўлиш, қонунийлик ва хизмат интизомига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш бўйича фаолиятни ташкил этиш юзасидан шахсий жавобгарлик;

ички ишлар органлари ўз хавфсизлиги бўлинмаларининг шахсий таркиб ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ходимлар томонидан содир этилган жиноятларни ўз вақтида аниқлаш бўйича вазифалари юклатилсин.

Белгилансинки, туман (шаҳар, тармоқ, саф) ички ишлар органлари бошлиқларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси ҳамда ўз хавфсизлиги бошқармаси бошлиқлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва озод этилади;

ҳар ойда амалга оширилган чора-тадбирлар ва тарбиявий ишларнинг натижаси бўйича — бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари раҳбарлари, қонунийлик ва хизмат интизомини бузиш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш масалалари юзасидан эса — ўз хавфсизлиги ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари олдида ҳисобот беради;

ички ишлар органлари ходимларига нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий таъсир чораларини қўллаш бўйича тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга.

5. Барча даражадаги ички ишлар органлари бошлиқлари бўйсунувидаги шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар, шунингдек, уларнинг оилавий-маиший муаммоларини доимий ўрганиш ва ҳал этиш бўйича ишлар самарадорлиги учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Департамент белгиланган вазифалар ижроси самарадорлигини мустақил ўрганиш, раҳбар ходимларига баҳо бериш ҳамда ички ишлар органларининг тезкор-хизмат фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга;

олий таълим муассасаларини аъло баҳолар билан тамомлаган ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти ва касбий ўсишига нисбатан Департамент томонидан назорат ўрнатилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички

ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси томонидан тизимли мониторинг олиб борилади;

ички ишлар органлари тахлилий ва юридик таъминлаш бўлинмаларига биринчи маротаба хизматга қабул қилинаётган номзодлар, истисно тариқасида, қабулнинг дастлабки танлов имтиҳонларидан озод этилади-лар;

ички ишлар органларининг қабул ва аттестация, шу жумладан махсус унвонларни бериш бўйича комиссиялари фаолиятида психолог-мутахассислар иштирок этади ва улар индивидуал суҳбат ўтказиш натижаси бўйича ҳар бир номзод ва ходим бўйича якуний қарор қабул қилишда ҳисобга олинадиган ҳулоса беради.

10. 2019 йил 1 январдан бошлаб:

худудий ички ишлар органлари фаолиятига оид муаммоларни олдиндан ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг сайёр ва тезкор мажлисларини ўтказиш ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли қарорлар қабул қилиш;

худудий ички ишлар органларини ҳар уч йилда камида бир маротаба текшириш ҳамда у ўтказилганидан сўнг бир йил ичида улар фаолиятини назорат тартибида ўрганиш амалиёти жорий этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси малака ошириш факультети, академик лицейлар билан ишлаш бўлими, моделлаштириш ва симуляция маркази ҳамда педагогик кадрлар тайёрлаш курси негизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти (кейинги ўринларда — Малака ошириш институти) ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Малака ошириш институтининг профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг мақоми ва пул таъминоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси касбий тайёргарлик факультетига тенглаштирилади;

Малака ошириш институти бошлиғига бошқа олий таълим муассасалари ва давлат органлари, шу жумладан хорижий малакали мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш ҳуқуқи берилади;

малака ошириш йиғинларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тажрибали амалиётчи ходимлари ҳамда Академия профессор-ўқитувчилари жалб этилиши мумкин;

Малака ошириш институтига ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг ўқув-услубий жараёнини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади;

жойларда ўқув йиғинларини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг барча академик лицейларида Малака ошириш институтининг филиаллари (аудиториялари) ташкил этилади;

педагогик кадрлар тайёрлаш курси функцияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ўқув жараёнини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармасига юклатилади.

14. Ички ишлар органлари бошқаруви, назорати ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Малака ошириш институти ва унинг жойлардаги филиалларини жойлаштириш, жиҳозлаш, шунингдек, улар фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўлақонли фаолият кўрсатиши учун бошқа ташкилий масалаларни ҳал этишни таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлагани учун» идоравий кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, ушбу кўкрак нишони билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш, шахсларни кидириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро муносабатларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган ички ишлар органлари, шу жумладан хорижий полиция тузилмалари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари мукофотланади.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

икки ҳафта муддат ичида ушбу қарор талабларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ташкилий департаменти ҳамда «Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлагани учун» идоравий кўкрак нишони тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлиги билан биргаликда халқаро стандартларни ҳамда фуқаролар онгида ички ишлар органлари тўғрисида ижобий тасаввурни шакллантириш заруратини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилма ходимларининг мутлақо янги махсус кийим-боши, атрибутикаси ва фарқловчи белгиларини жорий этиш тўғрисида таклиф киритсин;

бир ой муддатда ушбу қарор талабларини инобатга олган ҳолда Малака ошириш институтининг тузилмаси ва низомини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз хавфсизлиги бошқармасининг янгиланган штатлар жадвалини тасдиқласин;

бир ой муддатда ички ишлар органларига хизматга қабул қилиш, ротация ва ёш раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришни тартибга солувчи идоравий ҳужжатларни ўрнатилган тартиб-таомилларни тубдан содалаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда танлов муддатларини қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқсин;

бир ой муддатда ушбу қарор талабларини инобатга олган ҳолда ички ишлар органларида шахсий таркиб билан ишлаш бўйича психологлар гуруҳини, биринчи навбатда хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш ва шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича таклиф киритсин;

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ички ишлар органлари кадрлар бўлинмалари фаолиятига кадрлар захирасини ҳисобга олиш, кадрлар силжишини мониторинг қилиш, ходимлар ротацияси ва хизматда кўтарилишини таҳлил қилишни назарда тутувчи «e-Kadr» марказлашган автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этишни таъминласин;

икки ой муддатда Департаментни устувор равишда таҳлилий ва ташкилий қобилиятга эга бўлган малакали мутахассислар билан жамланишини таъминласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарордан келиб чиқувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

19. Белгилансинки, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 август,
ПҚ–3919-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 23 августдаги
ПҚ-3919-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарорига 7-банд тўртинчи хатбошиси «Ички ишлар вазирилик» деган сўзлардан кейин «Малака ошириш институти билан бирга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413-сон қарорига:

а) 1-иловада:

6-банд еттинчи хатбошиси «ташкilotларидан ходимлар» деган сўзлардан кейин «шунингдек, ички ишлар органларининг катта амалий иш тажрибасига эга пенсионерлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ички ишлар органлари таҳлилий ва юридик таъминлаш бўлинмаларига биринчи маротаба хизматга қабул қилинаётган номзодлар, истисно тариқасида, дастлабки танлов имтиҳонларидан озод этилади»;

б) 2-иловада:

16-банд «хизмат интизомига риоя этилиши» сўзларидан кейин «ва тарбиявий ишлар самарали амалга оширилиши» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

694 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сон Фармони)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 август,
676-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 20 августдаги 676-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига критилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига этил спиртини олиб келишни ва унинг транзитини тақиқлаш тўғрисида» 1998 йил 15 майдаги 213-сон қарорида:

а) қарорнинг номидаги «ва унинг транзитини» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига этил спиртини транспортнинг барча турлари билан олиб келиш тақиқлансин, транзит бундан мустасно.»

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг 42-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

695 «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ–3657-сон қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ–3657-сон қарорига мувофиқ Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигига суд қарори билан берилган мол-мулк ва ер участкалари, шу жумладан, сув ҳавзалари негизида «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 августда эълон қилинган.

2. Бошқарув ходимларининг умумий сони 5 нафардан иборат бўлган «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси давлат унитар корхонаси ташкил этилсин (кейинги ўринларда Дирекция деб юритилди).

Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига, зарурат бўлганда, Дирекциянинг тузилмаси ва ходимлари сонига инвестициялар ҳажми ва лойиҳалар сонидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қўйидагилар:

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси давлат унитар корхонасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси давлат унитар корхонасининг устави 2-иловага мувофиқ;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси ҳудудига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда қатнашчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси таркибидаги 3054,6 гектар ер майдонининг чегара ҳудудлари тавсифи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси қатнашчиларига ер участкалари бериш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган Эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига ер участкалари бериш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ҳар йили келгуси йиллар учун ривожланиш давлат дастурини шакллантиришда белгиланган тартибда уларга «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонасининг муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар киритилишини назарда тутсин.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонасида балиқ етиштиришни янада ривожлантириш, инвесторларни жалб этиш ва уларни жойлаштириш «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари комплексига киритсин;

келгуси йилларда ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш шарти билан 2018 — 2020 йиллар давомида Дирекцияга маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан асосланган ҳисоб-китоблар бўйича зарур маблағлар ажратсин;

иккита автотранспорт воситаси, жумладан битта енгил ва битта йўл

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

танламайдиган автомобиль харид қилиш учун зарур маблағлар, шунингдек, уларни сақлаш учун лимит ажратсин;

бир ой муддатда Дирекцияни Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Қўрғонча қишлоғи «Балиқчи» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ушбу Низомнинг амал қилиши балиқчилик йўналишидаги эркин иқтисодий зонаси ҳудудига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда қатнашчиларни рўйхатдан ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди».

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов ва Тошкент вилояти ҳокими Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 август,
677-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 20 августдаги 677-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси
дирекцияси давлат унитар корхонасининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб юритилади) оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўзига берилган давлат мулкида, жумладан сув ҳавзалари негизида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади.

Дирекция ўзига бириктирилган мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғи билан

у томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи — муассис) топшириқларига мувофиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан, валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — «Baliq ishlab chiqaruvchi erkin iqtisodiy zonasi direksiyasi» Davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи — «Baliq ishlab chiqaruvchi» EIZ direksiyasi» DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной экономической зоны «Балиқ ишлаб чиқарувчи»;

қисқартирилган номи — ГУП «Дирекция СЭЗ «Балиқ ишлаб чиқарувчи»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — «Directorate of free economic zone «Baliq ishlab chiqaruvchi» State Unitary Company;

қисқартирилган номи — «Directorate of FEZ «Baliq ishlab chiqaruvchi» SUC.

4. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Қўрғонча қишлоғи, «Балиқчи» маҳалла фуқаролар йиғини.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда — Муассис) ҳисобланади.

6. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

7. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларида қатнашчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

8. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Дирекциянинг асосий мақсади, вазифалари ва фаолият йўналишлари

9. «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда — «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ) ривожлантириш дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, шунингдек, «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқий режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан оператив бошқариш, «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиларига хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишлар (хизматлар)ни бажаришдан (кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

10. Қуйидагилар Дирекциянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

юқори маҳсулдорликка эга балиқ турларининг ота-она тўдаларини шакллантириш, парваришлаш учун инновацион технологияларини жорий этиш ва наслчилик хўжалигини ташкил этиш;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиларига балиқ чавоқлари етказиб бериш мақсадида замонавий инкубация цехи фаолиятини йўлга қўйиш; мавжуд сув ҳавзаларини модернизация қилиш ва қайта таъмирлашни ташкил этиш;

балиқчилик хўжаликлари учун оқсилга бой озуқа-ем ишлаб чиқариш бўйича замонавий қувватларни ишга тушириш ҳисобига озуқа базасини мустаҳкамлаш;

балиқ етиштириш бўйича инновацион ва интенсив технологияларни йўлга қўйиш, шу жумладан, ёпиқ сув айланма тизимида, кичик сув ҳовузларида балиқ етиштириш ҳамда сунъий сув ҳавзалари ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига балиқ овлаш ҳажмларини кўпайтиришни ташкил этиш;

аҳоли истеъмоли учун қайта ишланган балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтириш бўйича халқаро талабларга мос замонавий ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйиш;

сувнинг гидрохимиявий таркибини таҳлил этиш, балиқларни касалликлардан химоя қилиш ва даволаш учун замонавий лаборатория фаолиятини ташкил этиш;

балиқ етиштиришда инновацион ғоялар ва интенсив технологияларни жорий этишда илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек, таълим муассасалари талабалари учун балиқчилик тармоғида амалиёт ўташни ташкиллаштириш;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар билан «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг Тошкент вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зонаси Маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда — Маъмурий кенгаш) қарорларига мувофиқ «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудида инвестициялар киритиш тўғрисида шартномалар тузиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар томонидан ўз зиммаси-

га қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш, кейинчалик унинг натижаларини Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни қидириш ва жалб этиш;

ишлаб чиқилган «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарори билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини Дирекцияга берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, ташкилотларни ишга тушириш ва уларнинг фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) билан таъминлаш масалаларини ҳал этишда кўмаклашиш;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиларига, шу жумладан давлат органларида уларнинг манфаатларини ифодалаш йўли билан хизматлар кўрсатиш;

Маъмурий кенгаш ваколатларига кирувчи масалалар бўйича унинг мажлисларида кўриб чиқиш учун маълумотлар тайёрлаш.

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолият турининг лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, Дирекция фаолиятнинг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

11. Дирекция Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш

12. Дирекция Муассисга, Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ва Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

13. Муассис кўйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битимларни ҳаққоний эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;
Дирекцияга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этиш;
Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;
меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тугатиш.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Республика кенгаши қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекциянинг «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗни ривожлантириш бўйича фаолияти стратегик вазифалари ва йўналишларини белгилаш;

Дирекциянинг молия-хўжалик фаолиятини ҳар чоракда ўрганишни ташкил қилиш;

ҳар чоракда Дирекция фаолияти ҳақидаги ҳисоботни эшитиш;

Дирекциянинг штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

Республика кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Маъмурий кенгаш қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;

Дирекция фаолиятини назорат қилиш;

Дирекция директори лавозимига номзодларни тасдиқлаш учун Республика кенгашига киритиш;

Дирекция мутахассисларини танлаб олиш;

Дирекциянинг штат жадваллари ва харажатлар сметасини келишиш;

Дирекция фаолиятини режали ташкиллаштириш, Дирекциянинг чораклик иш режаларини тасдиқлаш ва унинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг мустақил бюджетидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

Маъмурий кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Маъмурий кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун Дирекция фаолиятига тааллуқли бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Олинган ҳужжатлардан Маъмурий кенгаш томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

16. Дирекцияни «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси раиси томонидан, Муассис билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошқаради.

17. Директор:

қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя этилишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗни ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини ташкил этади;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг замонавий усулларини жорий этишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширади;

Дирекция номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, барча ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва бекор қилади;

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар қабул қилади;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва ҳўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан конун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлайди;

Дирекцияга юкланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Директор:

Муассис, Республика кенгаши ва Маъмурий кенгаш олдида Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради;

Дирекциянинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджет маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади;

Дирекциянинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

19. Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек, Дирекцияга берилган давлат мулкининг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4-боб. Дирекциянинг устав фонди

20. Дирекциянинг устав фонди «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқариш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат.

21. Дирекция устав фондининг миқдори 1 млрд. сўмни ташкил этади.

5-боб. Дирекция мулкини тасарруф этиш

22. Муассис томонидан Дирекцияга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкини ташкил этади.

23. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (хиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

24. Республика кенгаши Дирекцияга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек, ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қилади.

25. Директор Муассис билан келишган ҳолда Дирекция мулкани қуйидаги ҳолатларда тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга бериш;

мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш ва сотиш;

Дирекция фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.

6-боб. Дирекция фаолиятини молиялаштириш манбалари

26. Қуйидагилар Дирекция фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

давлат мулки бўлган ва «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудида жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган даромадларининг бир қисми;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

Республика кенгаши томонидан белгиланган миқдорда «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиларининг ажратмалари ва ЭИЗ қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтиш учун тўловлари;

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларидаги маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7-боб. Захира ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби

27. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек, бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори, шакллантириш ва фойдаланиш тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

8-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

28. Дирекция ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

29. Дирекция фаолиятини назорат қилиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Республика кенгаши томонидан амалга оширилади.

30. Директор Дирекция фаолияти натижалари, маъқулланган инвестиция лойиҳалари ва тасдиқланган ривожланиш дастурларини амалга оширилиши тўғрисида ҳар чоракда Республика кенгашига ҳисобот тақдим этади.

9-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги

31. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидияр жавобгарликни амалга оширади.

32. Дирекция Муассис мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

10-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

33. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

34. Дирекция тугатилганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмайди. Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда унинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 20 августдаги 677-сон қарорига
3-ИЛОВА

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси худудига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда қатнашчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ деб юритилади) худудига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ худудига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш бўйича ташкилий масалаларни ҳал этиш Тошкент вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда — Маъмурий кенгаш) ва «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ дирекциясига (кейинги ўринларда — Дирекция) юкланади.

3. Маъмурий кенгашнинг «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудига эквиваленти 5,0 млн. АҚШ долларидан юқори қийматли инвестиция лойиҳасини жойлаштириш бўйича қарори эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) қарорига мувофиқ амалга оширилади.

4. Қуйидагилар «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг асосий устувор мезонлари ҳисобланади:

ижарага бериладиган умумий сув ҳавза майдонининг камида 10 фоиз қисмида интенсив усулда балиқ етиштириш ва ҳар бир гектар ҳавзадан 8 тоннадан кам бўлмаган ҳосилдорликка эришиш;

ёпиқ сув айланма тизими иншооти (УЗВ) қуриш ва ҳар бир гектаридан камида 300 тонна балиқ етиштириш;

сув тармоғи дренаж тизимларининг яхлитлигини сақлаб қолиш ва умумий фойдаланишда бўлишини таъминлаш;

юқори маҳсулдор насли она балиқ тўдаларини шакллантириш;

ташкilotнинг эҳтиёжи учун талаб этиладиган юқори оксилга бой озуқа базасини шакллантириш.

2-боб. Инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш учун «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси дирекциясига ҳужжатларни топшириш тартиби

5. «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси ҳудудига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда қатнашчиларни рўйхатдан ўтказиш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Инвестор Дирекцияга ушбу Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси ҳудудига инвестиция лойиҳасини жойлаштириш учун тўлдирилган инвестиция буюртманомасини (кейинги ўринларда — Инвестиция буюртманомаси) тақдим этади.

Инвестиция буюртманомасига қуйидагилар илова қилинади:

а) юридик шахснинг (инвесторнинг) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

б) тавсия қилинаётган инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси;

в) инвесторнинг тегишли соҳадаги ва (ёки) шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга оширишдаги иш тажрибаси мавжудлигини тасдиқловчи маълумот. Агар инвесторнинг тегишли соҳада ва (ёки) ўхшаш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлмаса, инвестор Дирекцияга инвестиция лойиҳасини амалга оширишга жалб этаётган технологик ҳамкорлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этади;

д) инвесторнинг охириги уч йилдаги молия-хўжалик фаолияти тўғрисида маълумот.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агарда инвестиция буюртманомасини топшириш вақтида инвестор: молия-хўжалик фаолиятини юритмаган ёки бир йилдан кам юритган бўлса, инвестор Дирекцияга инвесторнинг биттадан кам бўлмаган муассисининг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади;

1 йилдан 3 йилгача хўжалик фаолиятини юритаётган бўлса, инвестор Дирекцияга ўзининг ҳақиқатда фаолият юритган даври учун молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотни тақдим этади.

Хужжатлар инвестор томонидан Дирекцияга давлат ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин. Инвестор тақдим этилаётган маълумотлар ва хужжатларнинг тўғрилиги юзасидан жавоб беради.

7. Дирекцияга тақдим этилаётган бизнес-режада қуйидагилар акс эттирилган бўлиши керак:

ишга қабул қилинадиган ходимлар тоифаси (коллеж битирувчилари, меҳнат биржаси томонидан йўналтирилган шахслар, бошқа ташкилотлар ишчилари ва чет элдан мутахассис жалб этиш) ҳамда ташкил этилаётган иш ўринлари сони;

етиштириладиган ва қайта ишланадиган балиқ ва балиқ маҳсулоти, ҳажми ва табиий хусусияти;

маҳсулотнинг мўлжалланаётган сотиш баҳоси ҳамда маҳсулотни ички ва ташқи бозорга етказиб бериш ҳажмларини кўрсатган ҳолда;

маҳсулот сотиш бўйича ички ва ташқи бозорлар маркетинг тадқиқотлари;

таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур бўлган инфратузилма ва муҳандислик иншоотлари (электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва техник сув, канализация, автоўл) ҳажми;

ишлаб чиқариш ва сув ҳавзаларини оқилона жойлаштириш учун ижарага олиш режалаштирилган ер участкаси ва сув ҳавзаси ўлчамлари;

асосий ишлаб чиқариш цехи, ускуна ва технологик линиялар, маъмурий-маиший, омбор ва бошқа ёрдамчи биноларнинг жойлашуви кўрсатилган дастлабки чизмаси;

ишлаб чиқариш технологиясининг (экологик талаблар ҳисобга олинган ҳолда) технологик ускуналар, ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ва давлатлари рўйхати кўрсатилган тавсифи;

ишлаб чиқаришда фойдаланилиши мўлжалланаётган технологик асбоб-ускуналарнинг хусусияти, уларнинг замонавий технологик талабларга мувофиқлиги, инвестиция лойиҳасида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган менежмент тизимининг жорий этилиши;

мўлжалланаётган инвестицияларнинг ҳажми, тури ва муддатлари, молиялаштириш манбалари ва кредит жалб этилган тақдирда мўлжалланаётган таъминот тури;

инвестиция лойиҳаси амалга оширилишининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари ва молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар.

3-боб. Инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш тартиби

8. Дирекция тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқлиги юзасидан икки иш кунда ўрганиб чиқади.

9. Ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандлари талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган инвестиция буюртманомаси, камчиликлари кўрсатилган ҳолда, инвесторга қайтариледи.

10. Инвестор томонидан ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандлари талабларига мувофиқ тақдим этилган инвестиция буюртманомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар Дирекция томонидан Маъмурий кенгашга юбориледи. Бунда, инвестиция буюртманомасига ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандлари талабларига мувофиқлиги юзасидан Дирекция директори томонидан имзоланган тегишли хулоса илова қилинади.

11. «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳасини танлаб олиш тўғрисида қарор қабул қилишда Маъмурий кенгаш куйидагиларни кўриб чиқади:

инвестиция лойиҳасининг ушбу Низомнинг 4-бандида келтирилган устувор мезонларга мувофиқлиги;

балиқ ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича технологик занжирнинг босқичма-босқич ташкил этилиши;

муассисларининг ўз маблағлари ва улар томонидан жалб этилган кредитлар ҳисобига инвестицияларни амалга ошириши;

инвесторнинг молиявий барқарорлиги, техник ва технологик базага эгалиги;

лойиҳанинг умумий иқтисодий самарадорлиги ва уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги (ишлаб чиқариш қувватларининг мақбул жойлаштирилиши, ташкил этиладиган иш ўринлари, тармоқдаги таркибий қайта ўзгартиришларга таъсири, ишлаётган қувватлардан фойдаланилиши, зарур хом ашё, материаллар ва инфратузилманинг мавжудлиги);

технологик ускуналарнинг замонавийлиги, инвестиция лойиҳасида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган бошқариш тизимининг мавжудлиги;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур маблағ билан таъминланганлиги.

Инвестиция буюртманомасини кўриб чиқишда «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудида:

инновацион ва замонавий интенсив технологияларни кенг жорий қилиш, шу жумладан, ёпиқ сув айланма тизими қурилмаларида ҳамда кичик сув ҳавзаларида балиқ етиштириш ва сунъий сув ҳавзалари ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига балиқ овлаш ҳажмларини кўпайтириш;

юқори маҳсулдорликка эга балиқ турларининг ота-она тўдаларини шакллантириш, уларни парваришлашнинг инновацион технологияларини жорий этиш;

товар балиқ ва репродуктор сув ҳавзаларини модернизация қилиш ва қайта таъмирлаш;

тўла қийматли ва юқори оксилли (экструдирланган) озуқаларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий қувватларни яратиш;

балиқларни қайта ишлаш ва балиқ маҳсулотларини (консерва, икра, балиқ уни ва бошқаларни) ишлаб чиқаришнинг халқаро талабларга мос замонавий комплексини, экспортга мўлжалланган, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли таъминланишини назарда тутадиган, шунингдек, ходим сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга жалб этувчи лойиҳаларга устунлик берилади.

12. Маъмурий кенгаш инвестиция буюртманомасини Дирекция томонидан киритган кундан бошлаб беш иш кунда кўриб чиқади ва қўйидаги мазмундаги қарорлардан бирини қабул қилади:

инвесторга «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси мақомини бериш, сунъий сув ҳавзаси, ер участкаси, бино, иншоотлар, ишлаб чиқариш қувватларини ажратиб бериш, уларнинг умумий майдони ва жойлашган жойини кўрсатган ҳолда «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш тўғрисида;

камчиликларни кўрсатган ҳолда тақдим этилган ҳужжатларни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида.

Инвестиция буюртманомасини кўриб чиқишда Маъмурий кенгаш томонидан инвесторнинг ўзи тўғрисида нотўғри маълумотлар тақдим этганлиги аниқланса, мазкур буюртманомани кўриб чиқиш тўхтатилади ва хулоса билан Дирекцияга юборилади.

13. Инвестиция буюртманомалари Дирекцияга электрон тарзда тақдим этилиши мумкин.

14. Инвестор томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

15. Маъмурий кенгаш кўриб чиқиши натижасида аниқланган камчиликлар асосида такомиллаштирилган инвестиция буюртманомаси такроран Дирекцияга кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.

Инвестиция буюртманомасини Дирекция томонидан такроран кўриб чиқиш муддати уч иш кунини ташкил этади.

16. Маъмурий кенгашнинг инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш натижаси бўйича қарори унинг аъзолари томонидан оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва Маъмурий кенгаш йиғилиши баёни билан расмийлаштирилади ҳамда Дирекция ва инвестор (инвесторлар) ўртасида «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудига инвестициялар киритиш тўғрисида шартнома (кейинги ўринларда инвестиция киритиш тўғрисида — шартнома) тузиш учун асос бўлади.

17. Маъмурий кенгаш йиғилишининг баёни Дирекция директори, Маъмурий кенгаш аъзолари томонидан имзоланади ва Маъмурий кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

18. Маъмурий кенгаш мажлиси баёнидан кўчирма у тасдиқланган кун-

дан эътиборан бир иш куни мобайнида Дирекция томонидан инвесторга ёки унинг ваколатли шахсига юборилади.

4-боб. Инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг қарорларини Республика кенгаши билан келишиш тартиби

19. Маъмурий кенгашнинг қиймати эквивалентда 5,0 млн АҚШ долларидан юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича ижобий қарори, у тасдиқланган санадан бошлаб икки иш куни ичида келишиш учун Республика кенгашига, инвестиция буюртманомаси ва лойиҳа бизнес-режаси билан бирга юборилади.

20. Республика кенгаши Маъмурий кенгашнинг қарорини олган кундан бошлаб етти иш куни ичида Республика кенгаши йиғилишида кўриб чиқади. Инвестиция лойиҳасини келишиш Республика кенгаши аъзоларининг ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг қўйидаги хулосаларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги — ҳудудни, саноат ва балиқчилик тармоғини ривожлантириш дастурларидан келиб чиқиб, лойиҳа амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги қисми бўйича, қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришни зарур хомашё ресурслари билан таъминланганлиги, валюта қопланувчанлиги ва ташкил этилаётган иш ўринлари белгиланган кўрсаткичларига мувофиқлиги қисми бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси — янгидан барпо этилаётган ишлаб чиқаришларни замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш, инвесторларнинг салоҳияти ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун молиявий ва технологик имкониятларнинг етарлиги қисми бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги — балиқчилик тармоқларини ривожлантириш дастурларидан келиб чиқиб лойиҳаларни амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги қисми бўйича;

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси — балиқчилик тармоқларини ривожлантириш дастурларидан келиб чиқиб лойиҳаларни амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги, ҳавза ҳосилдорлиги, интенсив усулда балиқ етиштириш, ёпиқ сув айланма тизимини (УЗВ) жорий этишда замонавий инновацион технологияларни қўллаш, инкубация цехларида личинка ишлаб чиқариш, балиқлар учун юқори оқсилга бой омухта емнинг хорижий етакчи ишлаб чиқарувчиларга мослиги қисми бўйича;

тегишли тижорат банклари — лойиҳани биргаликда молиялаштириш учун кредит ажратиш қисми бўйича.

21. Инвестиция лойиҳалари бўйича ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган хулосалар ваколатли ташкилотлар томонидан уларга лойиҳанинг инвестиция буюртманомаси ва бизнес-режаси келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига умум-

лаштириш ва Республика кенгаши йиғилишининг баёни лойиҳасини тайёрлаш учун юборилади.

22. Республика кенгаши «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш бўйича Маъмурий кенгаш қарорини келишиш бўйича йиғилиш баёни лойиҳасини аввал ижобий хулоса тақдим этган Республика кенгаши аъзолари билан келишиш талаб этилмайди.

5-боб. Инвестиция киритиш тўғрисида шартнома тузиш ва «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби

23. Инвестиция киритиш тўғрисида шартнома лойиҳаси давлат, инглиз ва рус тилларида Дирекциянинг расмий веб саҳифасида жойлаштирилади ёки Маъмурий кенгашнинг инвестор томонидан кўриб чиқиш учун киритган инвестиция буюртманомасини маъқуллаш бўйича йиғилишининг баёни тасдиқлангандан кейин бир иш куни ичида Дирекция томонидан инвесторга тақдим этилади.

24. Инвестиция киритиш тўғрисида шартнома қоидаларини келишиш мақсадида Дирекция ва инвесторлар ўртасида музокаралар ўтказилиши мумкин.

25. Инвестиция киритиш тўғрисидаги шартнома «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмайдиган муддатга тузилади.

26. Инвестор ва Дирекция ўртасидаги инвестиция киритиш тўғрисида тарафлар томонидан имзоланган шартнома инвестор томонидан ташкил этиладиган тадбиркорлик субъекти «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб кучга киради.

27. Инвестиция киритиш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиши: инвестиция киритиш тўғрисидаги шартнома тузилган муддат тамом бўлгач;

тадбиркорлик субъекти «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилганда;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ муддатидан олдин тугатилганда;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда тугатилади.

28. «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвестор томонидан ташкил этилган ташкилотни (кейинги ўринларда — Ташкилот) давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин инвестор томонидан Дирекцияга қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

30. Дирекция ушбу Низомнинг 29-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олин-

ган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида Ташкилотни «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказади ва белгиланган шакл бўйича «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси гувоҳномасини беради.

31. Дирекция Ташкилот «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир иш куни ичида хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдаги давлат солиқ ва божхона хизмати органларини хабардор қилади.

32. Дирекция Ташкилот «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир иш куни ичида барча зарур ҳужжатларни Ташкилотга ер участкаси ажратиш учун тегишли вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри бўйича давлат корхонасига беради.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

33. Ташкилотни «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум қилиш ёки тўхтатиб туриш Республика кенгаши томонидан Маъмурий кенгаш ёки ваколатли ташкилотларнинг асосланган таклифлари асосида, белгиланган тартибда амалга оширилади.

34. Ташкилотни «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси мақомидан ихтиёрий тартибда маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор Ташкилотнинг уни бундай мақомдан маҳрум қилиш тўғрисидаги аризасига кўра ёхуд у Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилган тақдирда Маъмурий кенгаш томонидан қабул қилиниши мумкин.

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва (ёки) инвестиция киритиш тўғрисида шартнома шартлари бузилиши юзасидан низо мавжуд бўлганда Ташкилотни «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этиш суд тартибида амалга оширилади.

Дирекция «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчилари реестрига Ташкилотнинг қатнашчи мақомидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирган санадан бошлаб уч иш кунида Ташкилотнинг «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритади.

35. Дирекция «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчилари реестрига тегишли ёзув киритилган кундан бошлаб бир иш кунида давлат солиқ ва божхона органларини Ташкилотнинг «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси ҳудудига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда қатнашчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

**«Балиқ ишлаб чиқарувчи»
эркин иқтисодий зонаси
дирекциясига**

**«Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси ҳудудига
инвестиция лойиҳасини жойлаштириш учун инвестиция
БУЮРТМАНОМАСИ**

1. Инвестор (инвесторлар) тўғрисида маълумотлар

Мурожаатчи (инвестор ёки инвесторлар) ташкилотнинг номи, келиб чиққан давлати	
Инвестор (ёки инвесторлар) тўғрисида маълумот, жумладан давлат рўйхатидан ўтган санаси ва жойи, муассис(лар) ва бошқалар	
Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, муассисларнинг устав фондидаги улушининг тақсимланиши ва капитал қўйилмаларнинг шакли	
Мурожаатчи ташкилотнинг юридик манзили	

2. Инвестиция лойиҳаси тўғрисида маълумотлар

Инвестиция лойиҳасининг номи	
Инвестиция лойиҳасининг мақсади ва қисқача тавсифи, жумладан ишлаб чиқаришнинг йиллик қуввати	
Ижарага бериладиган умумий сув ҳавзаси майдонининг камида 10 фоиз қисмида интенсив усулда балиқ етиштиришга мослаштириш ва ушбу майдоннинг ҳар бир гектаридан 8 тоннадан кам бўлмаган ҳосилдорликка эришиш	
Ёпиқ сув айланма тизими иншооти (УЗВ) қуриш ва ҳар бир гектардан камида 300 тонна балиқ етиштиришни ташкил этиш	
Сув тармоғи дренаж тизимларининг яхлитлигини сақлаб қолиш ва умумий фойдаланишда бўлишини таъминлаш	
Юқори маҳсулдор насли она балиқлар тўдаларини шакллантириш	
Ташкилотнинг эҳтиёжи учун талаб этиладиган юқори оқсилга бой озуқа базасини шакллантириш	
Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг номи, қўлланилиши ва асосий белгилари	

Маҳсулотнинг ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, экспортга ва ички бозорга йўналтириладиган ҳажмини (натура кўринишида ва экв. АҚШ долларида) ҳисобга олган ҳолда	
Асосий хом ашё ва материал (маҳаллий ва импорт), уларнинг тайёр маҳсулотдаги улуши, фоиз ҳисобида	
Хомашё ва материалларга бўлган йиллик талаб (экв. АҚШ долларида), шу жумладан маҳаллий ва импорт	
Маҳсулот стандартлари — ГОСТ, ОСТ, ТУ, O'zDst, ISO 9001 ва ISO 14001 ва бошқалар	
Ишлаб чиқаришнинг бошланиш санаси	
Ташкил этилаётган иш ўринлари, жумладан, маҳаллий ишчи ходимлар	

3. Зарур майдон ва инфратузилмалар тўғрисида маълумотлар

Балиқ етиштириш учун талаб этиладиган сув ҳавзаси майдони (га):	
шу жумладан интенсив усулда (га)	
Ёпиқ сув айланма тизимида (УЗВ) балиқ етиштириш учун талаб этиладиган майдон (га)	
Наслли она балиқлар тўдасини шакллантириш учун талаб этиладиган сув ҳавзаси майдони (га)	
Наслли балиқ чавоқларини етиштириш мақсадида репродуктор ҳавза ташкил этиш учун талаб этиладиган майдон (га)	
Инкубация цехини ташкил этиш учун талаб этиладиган майдон (га)	
Балиқни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган майдон (кв. м)	
Балиқлар учун оқсилга бой омукта ем ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган майдон (кв. м)	
Электр энергияга бўлган талаб (йилига кВт/соат), ўрнатиладиган қувват (кВт ёки МВт)	
Табийий газга бўлган талаб (йилига куб. м), босим (атм.)	
Қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш учун ичимлик ва техник сувга бўлган талаб (йилига куб. м)	
Балиқ етиштириладиган сув ҳавзаси учун сувга бўлган талаб (йилига куб. м)	

4. Лойиҳанинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Лойиҳанинг қиймати (экв. АҚШ долларида)	
Молиялаштириш манбалари (тўғридан-тўғри инвестициялар, маҳаллий муассисларнинг маблағлари, тижорат банклари кредитлари)	

Машина, тирик балиқ ташиш транспорти, мелиорация ишларини бажарувчи техника ва асбоб-ускуналар қиймати (эқв. АҚШ долларарида), жумладан маҳаллий ва импорт	
ҚМИ қиймати (эқв. АҚШ долларарида)	
Айланма маблағлар суммаси (эқв. АҚШ долларарида)	
Инвестицияларни киритиш шакли ва жадвали	
Лойиҳанинг қопланиш муддати (бизнес-режага мувофиқ)	

Изоҳ. Импорт қилинаётган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмларнинг валютадаги қиймати божхона тўловлари билан бирга ҳисобланади. Маҳаллий етказиб берувчилардан олинган импорт хом ашё маҳаллий ҳисобланмайди.

М.Ў. Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.О.)

(сана)

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 20 августдаги 677-сон қарорига
4-ИЛОВА

**«Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси
таркибидаги ер майдонининг чегара ҳудудлари
ТАВСИФИ**

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, «Балиқчи» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ер майдонлари:

- шимол томондан — «Огопуок» масъулияти чекланган жамияти ерлари;
- шарқий томондан — Эски Тошкент канали;
- ғарбий томондан — Сирдарё дарёси муҳофаза минтақаси ерлари;
- жанубий томондан — Сирдарё дарёси муҳофаза минтақаси ерлари.

Ер харитасига кўра чегарадош ҳудудлар қуйидагича изоҳланади:

- А дан Б гача — «Огопуок» масъулияти чекланган жамияти ерлари;
- Б дан В гача — «Абдугани ота сулоласи» хусусий корхонаси;
- В дан Г гача — Абай номли массив;
- Г дан Д гача — Юлдуз номли массив;
- Д дан Е гача — Ужакент номли массив;
- Е дан Ж гача — Дўстлик номли массив;
- Ж дан З гача — Сирдарё муҳофаза минтақаси ерлари 3 участкаси;
- З дан И гача — Сирдарё вилояти;

И дан К гача — Сирдарё муҳофаза минтақаси ерлари 2 участкаси;
К дан Л гача — Сирдарё вилояти;
Л дан А гача — Сирдарё муҳофаза минтақаси ерлари 1 участкаси.

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонаси таркибидаги чегара ҳудудлари тавсифига киритилган жами ер майдони 3054,6 гектарни ташкил этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

696 Давлат-хусусий шерикчилик асосида замонавий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисида*

Мактабгача таълим хизматлари нодавлат секторини янада ривожлантириш, болаларнинг мактабгача таълим тизимига кенгроқ қамраб олинишини таъминлаш ҳамда мактабгача таълим соҳасидаги давлат-хусусий шерикчилиги учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда «Little Tots» МЧЖнинг (кейинги ўринларда хусусий шерик деб аталади) Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 13-мавзеда жойлашган Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли бинони (кейинги ўринларда объект деб аталади), унинг негизида хусусий шерик томонидан давлат-хусусий шерикчилик асосида замонавий нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш бўйича инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан, истисно тариқасида, танлов ўтказмасдан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ўн кун муддатда белгиланган тартибда хусусий шерик билан объект негизида замонавий нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида битим тузилишини таъминласин. Битимда

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 августда эълон қилинган.

хусусий шерикка жумладан қуйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар юкланиши назарда тутилсин:

ижтимоий кўмакка мухтож оилалар тарбияланувчиларини ва мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлими томонидан юбориладиган муайян миқдордаги тарбияланувчиларни ўқитиш, улар учун ота-оналар тўловини имтиёзли шартларда (худуддаги давлат мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган миқдордан ортиқ бўлмаган ҳажмда) ўрнатиш;

объектни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун камида 6 млрд. сўм миқдорда инвестиция киритиш;

камида 45 та янги иш ўринларини яратиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда Юнусобод тумани халқ таълими бўлимини бошқа бинога жойлаштириш чорасини кўрсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухақимов ҳамда мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 август,
681-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

697 Донни қайта ишловчи корхоналарни қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи бозорларда маҳаллий товарлар экспорт қилинишини рағбатлантириш ва рақобатдошлигини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сон Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3671-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда иқтисодиёт

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 августда эълон қилинган.

тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хўжалик юритувчи субъектларга (кейинги ўринларда хўжалик юритувчи субъектлар деб аталади), уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ўзлари импорт қилган донни қайта ишлаш орқали ишлаб чиқарилган унни экспорт қилишига рухсат берилсин.

Бунда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан экспорт қилинадиган ун миқдори улар томонидан импорт қилинган дон миқдорининг 75 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2018 йилнинг 1 сентябридан бошлаб донни қайта ишловчи корхоналарнинг маҳсулотлари учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган айланма тушум ҳажмидан дон қийматини чиқариб ташлаб ҳисоблаш тартиби жорий этилсин;

2019 йилнинг 1 январига қадар донни қайта ишловчи корхоналар дон, ун ва нонни сотишда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади;

2020 йилнинг 1 январига қадар иловадаги рўйхатга мувофиқ Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган дон маҳсулотлари божхона тўловларини (божхона йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод этилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси экспорт шартномаларини ҳисобга қўйишда ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган шартларнинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши назорат қилинишини таъминлайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўздонмаҳсулот»АК билан биргаликда икки ҳафта муддатда «Ўздонмаҳсулот»АК тизимидаги корхоналарни ҳамда нон ишлаб чиқарувчиларни молиявий соғломлаштириш ва уларнинг рентабеллигини таъминлаш мақсадида ун ва нон нархини шакллантириш тартибини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.С. Отажонов, З.Т. Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 август,
684-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 24 августдаги 684-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасига олиб киришда божхона
тўловларидан озод этиладиган дон маҳсулотлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Маҳсулотлар номи	ТИФ ТН коди
1.	Қаттиқ уруғлик буғдой	1001110000
2.	Уруғлик буғдой, қаттиқ буғдойдан ташқари	100191
3.	Озиқа ёки ноозиқа қаттиқ буғдой	1001190000
4.	Озиқа ёки ноозиқа буғдой, қаттиқ буғдойдан ташқари	1001990000
5.	Қайта ишланмаган арпа	1003900000
6.	Маккажўхори, ширинидан ташқари	1005900000
7.	Қайта ишланмаган тарих	1008290000

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

699 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қимматбаҳо металлардан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3056*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ–3778-сон «Ўзбекистон Республикасида қимматли металлардан ўлчовли ёмбилар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда қимматли металлар бозори фаолиятини регламентга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қимматбаҳо металлардан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 июль,
24/5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
14 июлдаги 24/5-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо
металлардан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб
харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ–3778-сон «Ўзбекистон Республикасида қимматли металлардан ўлчовли ёмбилар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда қимматли металлар бозори фаолиятини регламентга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан тайёрланган тангаларини (бундан буён матнда Марказий банк тангалари деб юритилади) сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан юбилей саналари, тарихий ва замонавий даврнинг муҳим воқеаларига бағишланган қимматбаҳо металлардан тайёрланган тангалар муомалага чиқарилади.

2. Марказий банк тангалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида номинал қиймати бўйича нақд пул шаклидаги қонуний тўлов воситаси, шунингдек номинал қийматидан юқори баҳоланувчи коллекция, инвестиция ва жамғариш объектлари сифатида муомалада бўлиши мумкин.

3. Марказий банк тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ва тижорат банклари (бундан буён матнда банк шохобчаси деб юритилади) орқали амалга оширилади.

Марказий банкнинг расмий веб-сайтида Марказий банк тангаларини сотадиган ва қайтариб харид қилиб оладиган банк шохобчаларининг манзили ҳақидаги маълумотлар эълон қилиниб борилади.

4. Тижорат банклари томонидан Марказий банк тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

2-боб. Марказий банк тангаларини сотиш

5. Марказий банк тангаларини сотиш жисмоний шахсларга нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида, юридик шахсларга тўловни пул маблағлари ўтказилиши йўли билан амалга оширилади.

6. Қимматбаҳо металл баҳоси ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ Лондон қимматбаҳо металллар ассоциациясининг эрталабки фиксинг (белгиланган) нархи ва сўмнинг АҚШ долларига нисбатан Марказий банк курсига мувофиқ ҳисоб-китоблар асосида белгиланади ҳамда Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

7. Марказий банк тангаларини сотиш нархи ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Марказий банк томонидан ҳар ҳафтада камида бир марта, миллий валютада, қимматбаҳо металл нархи ва Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган маржага асосан белгиланади ҳамда Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

3-боб. Марказий банк тангаларини қайтариб харид қилиб олиш

8. Марказий банк тангаларини қайтариб харид қилиб олиш банк шохобчалари орқали амалга оширилади.

Банк шохобчалари томонидан қайтариб харид қилиб олинган Марказий банк тангалари уларнинг асиллик даражасини аниқлаш мақсадида Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси (бундан буён матнда Асиллик палатаси деб юритилади) томонидан техник экспертизадан ўтказилади.

Марказий банк тангаларининг асиллик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган техник экспертиза учун тўлов Марказий банк тангаларининг эгаларидан ундирилмайди.

9. Марказий банк тангасини қайтариб харид қилиб олиш нархи мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ Марказий банк тангаси топширилган кундаги қимматбаҳо металл нархидан ва ушбу нархга қўлланиладиган Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқлаган чегирмага асосан Марказий банк томонидан белгиланади.

10. Марказий банк тангаларини қайтариб харид қилиб олишда жисмоний шахс ёки юридик шахс вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ Марказий банк тангасини қайтариб харид қилиб олиш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади.

Бунда юридик шахснинг вакили Марказий банк тангасини тасарруф этиш ҳуқуқи борлиги тўғрисидаги ишончномани тақдим этиши керак.

11. Далолатнома уч нусхада тузилади ва улардан бир нусхаси банк шохобчасида, иккинчи нусхаси Марказий банк тангаси эгасида ҳамда учинчи нусхаси техник экспертиза ўтказилиши учун Марказий банк тангаси билан бирга Асиллик палатасига тақдим этилади.

12. Марказий банк тангалари банк шохобчалари томонидан 10 кун давомида техник экспертиза ўтказиш учун Асиллик палатасига юборилиши керак.

13. Асиллик палатаси томонидан 10 кун давомида техник экспертиза ўтказилиб, унинг натижалари ҳақида тузилган далолатнома Марказий банкка тақдим этилади.

14. Марказий банк Асиллик палатасининг техник экспертиза ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномасини олганидан сўнг, Марказий банк тангасини қайтариб харид қилиб олган банк шохобчаси орқали мазкур танга эгаси билан ҳисоб-китобларни 10 кун давомида амалга оширади.

4-боб. Марказий банк тангасининг асиллик сертификати

15. Марказий банк тангаси унинг техник хусусиятларини тасдиқловчи асиллик сертификати билан бирга муомалага чиқарилади. Асиллик сертификати идентификация серия рақамига эга бўлади.

16. Асиллик сертификати йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда Марказий банк тангасининг эгаси банк шохобчасига тўлов асосида янги асиллик сертификатини олиш учун мурожаат қилиши мумкин.

Марказий банк тангаси сертификатининг янгиси берилиши 30 кун давомида Марказий банк тангасини Асиллик палатасида техник экспертизасидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

5-боб. Яқуний қоида

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлдан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Қимматбаҳо металл қийматининг ҲИСОБ-КИТОБИ

1 грамм қимматбаҳо металлнинг баҳоси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$P_{G/UZS} = ((P_w / Y) * E_{CB})$ вергулдан сўнг икки хонага қадар яхлитланади, бунда:

$P_{G/UZS}$ — бир грамм қимматбаҳо металл учун сўмдаги нарх;

P_w — Лондон қимматбаҳо металллар ассоциацияси эртабки фиксинг нархи (долл./тр.унц.);

Y — бир трой унциясининг метрик граммдаги эквиваленти (1 трой унцияси = 31,1035 грамм);

E_{CB} — 1 АҚШ доллари учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангалари қийматининг ҲИСОБ-КИТОБИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини сотиш нархи қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$\Sigma = V * P_{G/UZS} * (1 + M/100\%)$ вергулдан сўнг икки хонага қадар яхлитланади, бунда:

Σ — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангалари учун сўмда тўланидиган қиймат;

V — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларининг граммдаги оғирлиги;

$P_{G/UZS}$ — бир грамм қимматбаҳо металл учун сўмдаги нарх;

M — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган маржа миқдори (фоизда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини қайтариб харид қилиб олиш қийматининг ҲИСОБ-КИТОБИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларининг қайтариб харид қилиб олиш нархи қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$\Sigma = V * P_{G/UZS} * (1-D/100\%)$ вергулдан сўнг икки хонага қадар яхлитланади бунда:

Σ — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангалари учун сўмда тўланидиган қиймат;

V — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларининг граммдаги оғирлиги;

$P_{G/UZS}$ — бир грамм учун сўмдаги нарх;

D — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган чегирма миқдори (фоизда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг
қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини
қайтариб харид қилиб олиш тўғрисидаги
ДАЛОЛАТНОМА**

_____ (туман) шаҳар 20__ йил «___» _____

Ушбу далолатнома _____
(Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг худудий Бош бошқармаси ёки тижорат банкининг номи)

_____ (ходимнинг Ф.И.О.)

томонидан расмийлаштирилди ва _____
(турар жой ёки рўйхатдан ўтган манзили)

_____ дан

_____ (жисмоний шахс ёки юридик шахс вакилининг Ф.И.О.)

қуйидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангалари қайтариб харид қилиб олиш учун қабул қилинди:

Т/р	Танганинг номи	Номинал қиймати	Металл ва асиллик даражаси	Вазни (граммда)	Сони (рақамлар ва сўзлар билан)
	1	2	3	4	5

Мен, _____
(жисмоний шахс ёки юридик шахс вакилининг Ф.И.О.)

юқорида кўрсатилган рўйхатни тасдиқлайман ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан техник экспертиза ўтказишга розилик бераман.

_____ (сана)

_____ (имзо)

Қабул қилиб олган ходим _____
(сана) _____ (имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

700 Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3057

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 24 мартдаги ПҚ–3624-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 июль,
219-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлиги директорининг 2018 йил
11 июлдаги 219-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни
кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган
ташкилотлар тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 мартдаги ПҚ–3624-сон «Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо опера-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 августда эълон қилинган.

цияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотларга қўйиладиган талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат буюртмачиси — давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс;

давлат хариди — товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш;

давлат харидларининг субъектлари — давлат буюртмачиси, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси, давлат харидларининг ижрочиси, харид комиссияси, махсус ахборот портали оператори ва эксперт;

ихтисослашган ташкилот — давлат буюртмачиси топшириғига кўра, товарлар, ишлар, хизматлар давлат харидини ўтказишни ташкил этиш хизматини шартнома асосида пуллик равишда кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган, ушбу Низом талабларига мувофиқ келадиган юридик шахс;

харид қилиш тартиб-таомили — давлат хариди бўйича хатти-ҳаракатлар мажмуи;

эълон — давлат харидларини амалга ошириш усули, ушбу харидларнинг талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби кўрсатилган, давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига жойлаштириладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунга асосан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади.

3. Ихтисослашган ташкилотлар қуйидаги давлат харидлари бўйича хизматларни кўрсатиши мумкин:

ривожлантириш давлат дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни, шунингдек давлат буюртмачиларининг хўжалик фаолиятини рўёбга чиқаришда амалга ошириладиган;

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетлари ва бошқа давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан донор мамлакатлар, халқаро, ҳукуматга қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл ташкилотлари билан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган.

4. Ихтисослашган ташкилотларни танлаш давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органнинг Интернет тармоғидаги веб-сайтида камида бир ойда бир мартаба эълон қилинадиган (янгила-

надиган) рўйхатида мавжуд бўлган ихтисослашган ташкилотлар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

2-боб. Ихтисослашган ташкилотларга қўйиладиган талаблар

5. Ихтисослашган ташкилотлар давлат харидларини ўтказишни ташкил этиш бўйича хизматларни кўрсатиш учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган юридик шахс бўлиши;

ихтисослашган ташкилотнинг таъсисчиси давлат хариди субъекти бўлмаслиги;

солиқ имтиёзларини тақдим этувчи ва (ёки) маълумотларни тўлиқ очишни ва банк назоратига маълумотларни (оффшор ҳудуд) тақдим этишни кўзда тутмаган, шунингдек якуний давлатларда ва ҳудудларда рўйхатдан ўтмаган ихтисослашган ташкилот таъсисчилари сафида бўлмаслиги;

штатида хизмат кўрсатиш бўйича амалий тажрибага эга бўлган бир нафардан кам бўлмаган ходимга эга бўлиши;

махсус ахборот порталига уланиш имконини таъминловчи дастурий техник қурилмага эга бўлиши.

6. Мазкур Низомнинг 5-банди талабларига жавоб берадиган ихтисослашган ташкилот, давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органнинг Интернет тармоғидаги веб-сайтида эълон қилинадиган ихтисослашган ташкилотлар рўйхатига киритиш юзасидан мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган шаклига мувофиқ ариза билан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органга мурожаат этишга ҳақли. Бунда давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан мурожаатлар 5 календарь куни давомида кўриб чиқилади.

7. Ихтисослашган ташкилот:

давлат буюртмачисидан харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишни ташкиллаштириш учун зарур маълумотни олишга ҳақли;

давлат буюртмачиси талабига мувофиқ исталган босқичда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тақдим этишга мажбур;

давлат харидларининг асосий принципларига риоя қилган ҳолда хизмат кўрсатиши;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия, давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган сўровига кўра мазкур Низомга риоя этилиши юзасидан маълумот тақдим этиши;

давлат харидлари принципларининг бузилишига йўл қўймаслиги;

инфософсиз иштирокчиларнинг давлат харидларида иштирокини олдини олиш бўйича чоралар кўриши;

«Давлат харидлари тўғрисидаги» Қонун талаблари асосида харид тартиб-таомилларини ташкил этиши шарт.

8. Ихтисослашган ташкилот қуйидаги хизматларни кўрсатади:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини аниқлайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

маркетинг ва бошқа тадқиқотларни ўтказиши;

реклама ишларини ташкил этади;

харид тартиб-таомилар ўтказилиши тўғрисида хабарномаларни, эълон матнларини ва харид ҳужжатларини (тендер ёки танлов ҳужжатлари, техник шартлар) расмийлаштиради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ харид тартиб-таомили шартлари ва талаблари, харид тартиб-таомили бўйича тушунтиришлар матнларини тайёрлайди;

давлат буюртмачисига харид тартиб-таомили турлари бўйича таклиф беради;

давлат буюртмачисининг ёзма мурожаатига кўра қонун ҳужжатларига асосан давлат харидлари тартиби ва муддатлари тўғрисида махсус ахборот порталга маълумот жойлаштиради;

харид тартиб-таомили иштирокчилари қолиблари билан имзоланадиган шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди;

давлат буюртмачисининг ёзма мурожаатига асосан махсус ахборот портали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ўтказилиши режалаштирилган давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни молия манбалари мавжуд бўлган ҳолда жойлаштиради;

давлат буюртмачисининг ёзма кўрсатмасига биноан харид тартиб-таомили иштирокчиларига таклифларнинг амал қилиш муддатларини аниқ бир муддатга узайтириш тўғрисида таклиф билан мурожаат этади;

танлов ва тендер комиссияси йиғилиш баёнларини расмийлаштиради;

харид тартиб-таомили якунлари бўйича ҳисоботларни шакллантиради;

харид тартиб-таомилида иштирок этишга таклифномалар юборилишини таъминлайди;

харид тартиб-таомилини ташкил этишда иштирок этади.

3-боб. Якуний қоидалар

9. Ихтисослашган ташкилот ўзи ташкилотчи бўлган харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиси сифатида иштирок эта олмайди.

10. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат харидларини ўтказиш бўйича
хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга
бўлган ихтисослашган ташкилотлар
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органнинг
Интернет тармоғидаги веб-сайтида эълон қилинадиган
ихтисослашган ташкилотлар рўйхатиغا киришти
тўғрисидаги аризада кўрсатиладиган
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Ихтисослашган ташкилотлар рўйхатиغا киритишингизни сўрайман.

2. Аризачи тўғрисида маълумотлар:

- а) Юридик шахснинг тўлиқ номи;
- б) Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- в) Хизмат кўрсатувчи банкнинг номи;
- г) Банк коди (МФО);
- д) Ҳисоб рақами;
- е) Аризачининг корпоратив веб-сайти ва лицензияси (агар мавжуд бўлса).

3. Аризачининг жойлашган жойи (почта манзили)

4. Аризачи устав жамғармаси ва таъсисчилари тўғрисида маълумот.

Аризачининг умумий таъсисчилар сони: _____

Аризачининг таъсисчилари тўғрисида:

Т/р	Таъсисчилар номи (юридик шахслар тўлиқ номи, жисмоний шахслар Ф.И.О.)	СТИР	Юридик шахсларнинг юрисдикцияси, жисмоний шахсларнинг фуқаролиги	Устав жамғармасига киритилган улуш миқдори (сўмда, АҚШ доллари, еврода)	Улуш (фонзда)
1.					
2.					
...					

5. Аризачининг талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш тўғрисида:

- талаблар билан танишдим;
- талабларга мувофиқлигини ва уларга риоя этишни тасдиқлайман;
- мазкур аризадаги мавжуд маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайман;

_____ (ташкилот раҳбари)

_____ (имзо, Ф.И.О.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

701 Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3058*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 июль,
9-мх-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 июль,
19-қ/қ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва
меҳнат муносабатлари вазирлигининг
2018 йил 27 июлдаги 9-мх ва
19-қ/қ-сон қарорига
ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик
мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини
шакллантириш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини (бундан буён матнда иш режа деб юритилади) шакллантириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Иш режа умумий ўрта таълим муассасаси педагог ходимининг йиллик иш юкласидан (тарификация бўйича ажратилган дарс соатларидан) иборат.

2. Педагог ходимлар учун дарс соатларининг тарификацияси умумий йиллик иш юкласида белгиланган 1548 соат (йиллик 43 ҳафта, ҳафталик 36 соат, кунлик 6 соат) ҳисобидан амалга оширилади.

3. Умумий ўрта таълим муассасасининг педагог ходимлари учун бир ставка микдорига иш юкласи қуйидагича белгиланади:

1 — 4-синфларда ҳафтасига 18 соат;

5 — 11-синфларда ҳафтасига 20 соат.

**2-боб. Умумий ўрта таълим муассасалари педагог
ходимларининг иш юкламаларини ҳисоблаб чиқариш**

4. Иш режани шакллантириш учун умумий ўрта таълим муассасаси педагог ходимининг йиллик иш юкласи ҳисоблаб чиқарилади.

Умумий ўрта таълим муассасаси педагог ходимининг йиллик иш юкласи қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

1 — 4-синфлар учун белгиланган бир ставка микдорига иш юкласи ҳафталик ҳажмини 1 коэффицентга кўпайтириш орқали, яъни:

$18 * 1 = 18 + 18 = 36 * 4,3$ (ҳафта) = 154,8 * 43 (ҳафта) = 1548 соат;

5 — 11-синфлар учун белгиланган бир ставка микдорига иш юкласи ҳафталик ҳажмини 0,8 коэффицентга кўпайтириш орқали, яъни:

$20 * 0,8 = 16 + 20 = 36 * 4,3$ (ҳафта) = 154,8 * 43 (ҳафта) = 1548 соат.

5. Умумий ўрта таълим муассасаси педагог ходимининг йиллик иш юкламаси (бир ставка ҳисобида) бир ҳафтада 36 соат, бир ойда 154,8 соат, бир йилда 1548 соат миқдориди қўйидаги қисмлардан иборат ҳолда амалга оширилади:

ўқув-тарбия жараёни;

ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминоти ва ташкилий-педагогик жараён.

6. Ўқув-тарбия жараёни учун ажратиладиган соатлар миқдори қўйидагича аниқланади:

1 — 4-синфлар учун белгиланган бир ставка миқдориди иш юкламаси ҳафталик ҳажмини бир йил мобайнида дарс машғулоти олиб бориладиган ҳафталар сонига қўпайтириш орқали, яъни $18 * 34 = 612$ соат;

5 — 11-синфлар учун белгиланган бир ставка миқдориди иш юкламаси ҳафталик ҳажмини бир йил мобайнида дарс машғулоти олиб бориладиган ҳафталар сонига қўпайтириш орқали, яъни $20 * 34 = 680$ соат.

7. Ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминоти ва ташкилий-педагогик жараён учун ажратиладиган соатлар миқдори қўйидагича аниқланади:

1 — 4-синфлар учун белгиланган бир ставка миқдориди иш юкламаси йиллик ҳажмидан ўқув-тарбия жараёни учун ажратиладиган соатларни айириш орқали, яъни $1548 - 612 = 936$ соат;

5 — 11-синфлар учун белгиланган бир ставка миқдориди иш юкламаси йиллик ҳажмидан ўқув-тарбия жараёни учун ажратиладиган соатларни айириш орқали, яъни $1548 - 680 = 868$ соат.

3-боб. Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш

8. Иш режа икки йўналишдаги тадбирлар мажмуасидан иборат тарзда шакллантирилади:

ўқув-тарбия жараёнига оид;

ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминоти ва ташкилий-педагогик жараёнга оид.

9. Ўқув-тарбия жараёнига оид йиллик иш режа умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарияти томонидан тасдиқланган дарс жадвалига кўра педагог ходимларга тарификация бўйича ажратилган дарс соатлари асосида шакллантирилади.

10. Ўқув-тарбия жараёнига оид йиллик иш режа асосида педагог ходим томонидан ўқув йили бошланишидан олдин тақвим-мавзуй режа тузилади. Дарс машғулоти тақвим-мавзуй режага асосан олиб борилади.

11. Ўқув-тарбия жараёнига оид йиллик иш режанинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан умумий ўрта таълим муассасаси директори ва унинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари назоратни амалга оширади.

12. Ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминоти ва ташкилий-педагогик жараён умумий ўрта таълим муассасаси олдига қўйилган вазифалардан

келиб чиққан ҳолда, таълим сифатини ошириш, ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш, маънавиятини юксалтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш билан боғлиқ дарс машғулотларидан ташқари тадбирларни ўз ичига олади ва ушбу тадбирлар муассасанинг ҳар йиллик ҳамда истиқбол режасида кўзда тутилади.

13. Ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминоти ва ташкилий-педагогик жараёнга оид йиллик иш режада ҳар бир педагог ходимнинг лавозим мажбуриятлари ҳамда у билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланган вазифалар билан бир қаторда ўқувчиларни баркамол ва маънавий етук инсон этиб тарбиялаш мақсадида уларнинг қобилият ва истеъдодларини ривожлантиришни назарда тутган ҳолда, фанларни ўзлаштиришда қийналаётган ва иқтидорли ўқувчилар билан алоҳида машғулотлар олиб бориши ҳамда педагог ходимнинг ўз устида мустақил ишлаши назарда тутилади.

14. Ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминоти ва ташкилий-педагогик жараёнга оид йиллик иш режада белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан педагог ходимлардан ҳисобот талаб қилинмайди ҳамда тадбирларни амалга оширишнинг вақт бўйича ҳисоби юритилмайди.

15. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг дарс ва тўғарак машғулотларини ташкил этиш ҳамда синф журналин юритишдан ташқари бошқа педагогик юкламалар бўйича ҳисоботлар ва қўшимча маълумотларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

Умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимлари томонидан қуйидаги ҳужжатлар юритилади:

синф журнали;

йиллик тақвим-мавзуй режа;

кундалик дарс ишланмалари (конспект) дафтари.

16. Йиллик тақвим-мавзуй режа ҳамда кундалик дарс ишланмалари (конспект)нинг электрон шаклда юритилишига ҳам йўл қўйилади.

4-боб. Яқуний қоидалар

17. Ўриндошлик ва соатбай асосида дарс бераётган, ишда вақтинча бўлмаган ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзининг асосий иши билан биргаликда қўшимча равишда бажараётган педагог ходимларга ўқув-тарбия жараёни билан биргаликда унга мос коэффициентдаги ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминоти ва ташкилий-педагогик жараён учун ажратилган соатларга ҳам ҳақ тўланади.

18. Мазкур йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

702 «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-6

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12(II)-сон, 162-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 июль,
106-сон

**Давлат солиқ қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 июль,
2018-49-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2018 йил 11 июлдаги
106, 2018-49-сон қарорига
ИЛОВА

**«Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорнинг 1-бандида:

иккинчи хатбошидан «ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбошидан «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича 11-иловага мувофиқ;».

2. Солиқ ҳисоботининг шаклларида:

а) 1-иловада:

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловларни тақдим этувчи солиқ тўловчи тўғрисида маълумотлар ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-илowасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китоби ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-илowасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан тўланадиган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳисоб-китоби ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-илowасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

б) 2-иловада:

Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларнинг 4.3-банди 010-сатрининг «Кўрсаткичлар» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасида кўрсатилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

Тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммалари тўғрисида маълумотномада:

1 бўлим 5-банди 022-сатрининг «Даромад тури» устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19) дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахс-

* 1 — 3-илowалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг устав фондига (устав капиталига) 2018 йил 1 апрелигача йўналтирилган даромадлар»;

илова изоҳининг «**» ҳаволаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**») Юридик шахсдан олиниб, унинг устав капиталига 2018 йил 1 апрелигача йўналтирилган дивидендлар.».

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациянинг II бўлими 12-бандининг «д» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) 2018 йил 1 апрелигача йўналтирилган даромадлар _____ сўм;»;

в) 3-иловада:

Кўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобида:

0301, 0401 ва 060-сатрлар чиқариб ташлансин;

050-сатрда «(040-сатр – 030-сатр – 060-сатр)» деган сўзлар «(040-сатр – 030-сатр)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-иловадан 01021, 03011, 04011 ва 05011-сатрлар чиқариб ташлансин;

4-иловада:

01024-сатр чиқариб ташлансин;

01025-сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

бошқа солиқ солинадиган реализация (0102-сатр – 01021-сатр – 01022-сатр – 01023-сатр)	01024		
--	-------	--	--

»;

6-илованинг 060-сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган, шунингдек идоровий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинадиган шундай хизматлар реализацияси	060		
--	-----	--	--

»;

г) 4-илованинг Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китобида:

қуйидаги мазмундаги 17-устун билан тўлдирилсин:

«

Солиқ тўловчи ихтиёрида қолдириладиган акциз солиғи суммаси**** (16-уст.)
17

»;

қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«**** Солиқ тўловчи ихтиёрида қолдирилиши назарда тутилган акциз тўланадиган товарлар бўйича, агар 16-устун мусбат қийматга эга бўлса»;

д) 6-илованинг Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобининг иловаси қуйидаги мазмундаги 0207 сатр билан тўлдирилсин:

«

иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қўйил- диган сув	0207			
---	------	--	--	--

»;

е) 7-иловада:

_____ йилдаги солиқ даври учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича (микрофир-малар ва кичик корхоналардан ташқари) маълумотномада:

«Кўрсаткичлар» устунининг 010 сатри қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ солинадиган кўчмас мулкнинг, шу жумладан, молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган кўчмас мулкнинг тахмин қилинаётган ўртача йиллик қолдиқ қиймати;

изоҳ қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Кўчмас мулкка бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар, узатиш қурилмалари ва белгиланган норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари тааллуқлидир.»

_____ йилдаги солиқ даври учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича (микрофир-малар ва кичик корхоналар учун) маълумотномада:

«Кўрсаткичлар» устунининг 010 сатри қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ солинадиган кўчмас мулкнинг, шу жумладан, молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган кўчмас мулкнинг тахмин қилинаётган ўртача йиллик қолдиқ қиймати;

изоҳ қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Кўчмас мулкка бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар, узатиш қурилмалари ва белгиланган норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари тааллуқлидир.»

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобида:

02-варақ мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 4-илласига* мувофиқ тахрирда баён этилсин;

1-илованинг «Кўрсаткичлар» устундаги «Асосий воситалар:» деган сўзлар «Кўчмас мулк:» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4 — 6-илвалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 5 — 7-илова-ларига* мувофиқ тахрирда баён этилсин;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амал-га ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентларида мавжуд асо-

* 4 — 7-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилин-ган.

сий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати тўғрисида маълумотнома чиқариб ташлансин;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширмаётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (юридик ва жисмоний шахслар)га мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк тўғрисида маълумотнома (юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш учун) чиқариб ташлансин;

ж) 8-иловада:

Ер солиғи тўловчи юридик шахс тўғрисида маълумот мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 8-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

Жорий солиқ даврининг 1 январидаги ҳолат бўйича қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлмаган ерлар учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китоби мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 9-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

з) 10-илованинг Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобида:

01-варақ мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 10-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

4-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 11-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

4а-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин;

и) 11-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 12-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

к) 13-иловада:

Солиқ солиш тартибини қўллаш тўғрисида хабарнома изоҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ:

мазкур Хабарнома солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали унинг ёзма, шу жумладан ахборот тизими орқали юборилган электрон шаклда тақдим этилади.»;

Ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш ёки тўлашни рад этиш тўғрисида хабарнома изоҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ:

мазкур Хабарнома солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали унинг ёзма, шу жумладан ахборот тизими орқали юборилган электрон шаклда тақдим этилади.»;

Ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини олиш тўғрисида ариза изоҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ:

мазкур Ариза солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хиз-

* 8 — 12-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мати органига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали унинг ёзма, шу жумладан ахборот тизими орқали юборилган электрон шаклда такдим этилади.»;

Умумбелгиланган солиқларнинг ҳисоблаб чиқарилган суммаси тўғрисида маълумотнома изоҳидаги «150-сатрида» деган сўзлар «140-сатрида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобида:

02 — 04-варақлар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 13-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

4-илованинг изоҳи қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдирилсин:

«3. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахсдан олиниб, унинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган дивидендлар тарзидаги даромадларга солиқ солинмаслиги бўйича имтиёз бекор бўлганлигини инобатга олган ҳолда 0203-сатри фақат 2018 йил I чорак якуни билан тўлдирилади ва солиқ даври якунига қадар ўзгаришсиз қолади.»;

5-иловадаги «Инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 14-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

7-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 15-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

8-илова изоҳининг 2-бандидан «(Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобнинг 0801-сатридан)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 16-иловасига* мувофиқ 9-илова билан тўлдирилсин;

л) 16-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 17-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* 13 — 17-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 18 августдан 24 августгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 107-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БХМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1364-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 июлдаги 24/5-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3056.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 11 июлдаги 219-сон «Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3057.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 27 июлдаги 9-мх, 19-қ/қ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3058.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 20 августдаги 106, 2018-49-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-6.